



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SANITARIYA-EPIDEMIOLOGIK OSOYISHTALIK
VA JAMOAT SALOMATLIGI XIZMATINING
BUYRUG'I

2020 yil. "23" 10 № 1

Toshkent sh.

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар
Санитария-эпидемиологик осойишталиқ ва жамоат саломатлиги
бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик
осойишталиқ ва жамоат саломатлиги бўлимларининг намунавий
низомларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги
“Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталиқ ва жамоат
саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари
тўғрисида”ги 4790-сонли Қарорининг ижроси бўйича **буюраман:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар
Санитария-эпидемиологик осойишталиқ ва жамоат саломатлиги
бошқармалари тўғрисидаги намунавий низоми 1-иловага мувофиқ;
2. Туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик осойишталиқ ва жамоат
саломатлиги бўлимлари тўғрисидаги намунавий низоми 2-иловага мувофиқ
тасдиқлансин.
3. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш бошлиқнинг биринчи
ўринбосари Х.Норбоев зиммасига юклатилсин.

Бошлиқ

Б.Юсупалиев

Санитария-эпидемиологик осойишталик
ва жамоат саломатлиги хизматининг
2020 йил “23” 10 даги 1-
сонли буйруғига 1-илова

Қарақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Санитария-
эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармалари
түгрисида
НАМУНАВИЙ НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Қарақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаларининг (кейинги ўринларда — бошқарма) мақомини, асосий вазифаларини, функцияларини, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди.

2. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонўнларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Санитария-эпидемиология хизматининг қарорлари, буйрук ва кўрсатмаларига, шунингдек, ушбу низомга амал қиласди.

3. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматига (кейинги ўринларда - Санитария-эпидемиология хизмати) бўйсинади ва ҳисобот беради.

4. Қарақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармалари юридик шахс ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва давлат тилида ўз номи ёзилган муҳрига ва бланкаларига, мустақил балансига, Модия вазирлигига шахсий ғазна ҳисобваракларига, банк ҳисоб рақамларига эга бўлади.

5. Бошқарманинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, мулкчилик шаклидан қатъий назар бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шу жумладан фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

6. Бошқарманинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи: - Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси;

қисқартирилган номи: - Санэпидбошқарма;

б) рус тилида:

тўлиқ номи: - Управление санитарно-эпидемиологического благополучия и общественного здоровья;

қисқартирилган номи — Санэпидуправление;

7. Бошқарманинг жойлашган манзили (поtча манзили):
, 000000.

2-боб. Бошқарманинг вазифалари ва функциялари

8. Қуйидагилар Бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

аҳолининг санитария-эпидемиология осойишталиги соҳасида худудий давлат бошқаруви органлари, корхона ва ташкилотларнинг фаолиятини самарали мувофиқлаштириш ва улар билан ҳамкорлик қилишини таъминлаш;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалдаги санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига (СанҚваН) риоя қилиниши бўйича белгиланган тартибда текширишлар ўтказиш ва санитария-эпидемиология соҳасида қонун бузилишлар бўйича белгиланган тартибда маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш;

озиқ-овқат хом ашъёси ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва сотиш фаолияти билан шуғулланувчи обьектлар фаолиятида асосланган меъёр ва стандартлар талабларига риоя қилиниши устидан тасдиқлангани методологиялар асосида назорат олиб бориш ва мувофиқлаштириш;

хизматлар кўрсатиш ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш хавфсизлигига кўйиладиган соҳага оид мажбурий талаблар бўйича маҳсус экспертизалар ўтказиш;

юқумли, паразитар, шунингдек юқумли бўлмаган касалликларнинг юзага келиши ва тарқалишини олдини олишга қаратилган эпидемияга қарши ва санитария-гигиеник тадбирларни ташкиллаштириш ва амалга ошириш;

санитария-гигиена, радиацион ва физик омиллар, бактериология, вирусология, паразитология ҳамда ўта хавфли касалликлар лабораториялари фаолиятини йўлга қўйиш;

инсон саломатлигига таъсир этувчи хавфли омиллар бўйича тизимли мониторингларни ташкил қилиш, амалга ошириш, таҳлил қилиш ва тегишли ҳисботлар юритиш;

юқумли ва паразитар касалликларнинг юзага келиши ва тарқалишини олдини олишга қаратилган ўчоқли дезинфекция, дезинсекция, дератизация тадбирлари ўтказилишини ташкил қилиш, амалга ошириш ва мувофиқлаштириш;

санитария-эпидемиология ва жамоат саломатлигини таъминлаш мақсадида хавф-хатарларни барвақт аниқлашни таъминлаш, баҳолаш ва бартараф этиш учун келиб чиқиши озиқ-овқат билан боғлиқ касалликлар устидан миллий мониторинглар олиб бориш ва мувофиқлаштириш;

ўта хавфли юқумли инфекциялар бўйича эпидемиологик назорат олиб бориш ҳамда профилактик ва эпидемияга қарши комплекс тадбирларини ўтказиш;

турли ижтимоий гурухларни қамраб олган ҳолда, соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун санитария-гигиеник ўқитишни ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни ўтказиш;

соҳага оид статистик маълумотларни юритиш, тўплаш, таҳлил қилинишига услубий раҳбарлик қилиш, ахоли саломатлигига салбий таъсир қилувчи омилларни аниқлаш мақсадида зарур текширишлар ва сўровлар ўтказиш;

соҳанинг жорий ва келгусидаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, кадрларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкиллаштириш.

9. Бошқарма ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни амалга оширади:

a) аҳолининг санитария-эпидемиология осойишталиги соҳасида худудий давлат бошқаруви органлари, корхона ва ташкилотларнинг фаолиятини самарали мувофиқлаштириши ва улар билан ҳамкорлик қилишини таъминлаши соҳасида:

худудий давлат бошқаруви органлари, корхона ва ташкилотлар билан худудларда санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш, жумладан карантин, ўта хавфли ва бошқа инфекцияларнинг кириб келиши ва хавфли товарнинг Ўзбекистон Республикаси чегара пунктларидан олиб ўтилишида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлайди;

ветеринария хизмати билан касаллик келтириб чиқарувчи манбаларни ўйқ қилишга, антропоноз ва зооантропоноз инфекцияли ва паразитар касалликлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган фаолиятни амалга оширади;

б) юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалдаги санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига (СанҚвАН) риоя қилиниши бўйича белгиланган тартибда текширишлар ўтказиши ва санитария-эпидемиология соҳасида қонун бузилишлар бўйича белгиланган тартибда маъмурӣ жавобгарлик чораларини қўллаши соҳасида:

бошқарма ҳамда бўлимлар томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг амалдаги СанҚвАНга риоя қилишлари устидан ўтказилган текширишларни таҳлил қиласи ва мувофиқлаштиради;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан, санитария-эпидемиология сбҳаси бўйича норматив-хукуқий ҳужжатлар ижроси устидан белгиланган тартибда лаборатория ва инструментал усусларини қўллаган ҳолда давлат санитария-эпидемиология назоратини (кейинги ўринларда-назорат) амалга оширади;

аҳолига тиббий хизматларни кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларида текширувлар ўтказади;

назоратдаги обьектларнинг ишчи-ходимларини мажбурий, дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказиш тартиби ва даврийлигига риоя этилишини таҳлил қилиб боради;

назорат обьектларида ўткир ва сурункали касб касалликларининг келиб чиқиш ҳолатлари устидан назорат қиласи;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан умумий овқатланиш обьектларида рационал ва хавфсиз овқатланишини ташкил этилиши устидан

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларнинг бажарилишини назорат қиласи;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан ионлаштирувчи ва ионлаштирилмайдиган нурланиш, шовқин, тебраниш ва инсон саломатлиги ҳамда атроф-мухитга салбий таъсир кўрсатадиган бошқа физик омиллар билан ишлашда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилишини назорат қиласи;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан санитария-эпидемиология соҳасидаги қонун хужжатлари талабларига риоя этилиши тўғрисидаги маълумотларни расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида ёритади;

в) озиқ-овқат хом ашъёси ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва сотиши фаолияти билан шуғулланувчи обьектлар фаолиятида асосланган меъёр ва стандартлар талабларига риоя қилинishi устидан тасдиқланган методологиялар асосида назорат олиб бориш ва мувофиқлаштириши соҳасида:

озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва сотиши жараёнларидаги санитария-эпидемиологик ҳолатларни назорат қиласи ва маҳсулотларнинг хавфлилик даражаларини мезонлари бўйича таснифлайди;

озиқ-овқат маҳсулотларидан заҳарланиш ҳолатлари бўйича эпидемиологик суриштирувлар ўтказади ва бу ҳақда белгиланган тартиб бўйича хабар беради ва тарқалиб кетишини олдини олишга қаратилган эпидемияга қарши ва санитария-гигиеник тадбирларни ўтказади;

г) хизматлар кўрсатиши ва маҳсулотлар ишлаб чиқарии хавфсизлигига қўйиладиган соҳага оид мажбурий талаблар бўйича маҳсус экспертизалар ўтказиши соҳасида:

хукуқ-тартибот органлари сўровлари асосида хизматлар ва маҳсулотларнинг хавфсизлиги бўйича тегишли экспертизалар ўтказади.

д) юқумли, паразитар, шунингдек юқумли бўлмаган касалликларнинг юзага келиши ва тарқалишини олдини олишга қаратилган эпидемияга қарши ва санитария-гигиеник тадбирларни ташкиллаштириши ва амалга ошириши соҳасида:

худудларга карантин ва ўта хавфли, юқумли ва паразитар касалликларнинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни ўтказади ва назорат қиласи;

юқумли касалликларнинг иммуно-профилактикаси соҳасида аҳоли орасида ўтказиладиган профилактик эмлашларнинг муддатлари, сифати ва самарадорлигини назорат ва таҳлил қиласи;

юқумли ва паразитар касалликлар ўчоқларида суриштирув ишларини ташкил этади, санитария-гигиенага оид ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни амалга оширилиши устидан назорат қиласи;

Эмлашда ишлатиладиган вакциналарга бўлган эҳтиёжни аниқлайди, олиб келиш жойларга етказишда музлаткич занжирига риоя қилишни ва хавфсиз иммунизацияни ташкиллаштиради;

бошқарилувчи юқумли касалликлар бўйча эпидемиологик назорат олиб бориш, полиомиелит ва қизамиқ бўйича озод худуд статусини ушлаб туриш хамда профилактик режали, мавсумий ва эпидемияга қарши чора тадбирларни ўтказади;

профилактик режали, мавсумий ва эпидемиологик кўрсатма асосида ишлатиладиган вакциналар билан таъминлаш бўйича буюртмалар тайёрлайди ва таъминлайди;

аҳоли яшаш пунктларини ривожлантириш ва ер участкалари ажратиш бўйича лойиха материалларини, хўжалик ва саноат объектларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини кўриб чиқишида ва хулоса беришда иштирок этади;

объектларни лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилишида, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда, хавфли кимёвий, радиоактив моддалар, биологик воситалар ва материалларга тегишли гигиеник хулосалар беради;

инсон саломатлиги ва атмосфера ҳавоси учун заарли физик омиллар орқали таъсир кўрсатувчи объектларнинг рўйхатини ва ҳисобини олиб боради;

е) лабораториялар фаoliyatiini йўлга қўйши соҳасида:

юридик ва жисмоний шахслар томонидан СанҚваН риоя қилиниши бўйича санитария-гигиена, радиацион, физик омиллар, бактериология, вирусология, паразитология ва ўта хавфли касалликлар лабораторияларида олинган (келтирилган) намуналарда таҳлилий текширишлар ўтказади;

лаборатория таҳлиллари олиб бориш учун диагностикум, фаглар, тест системалар ва бошқа воситалари билан таъминлаш бўйича буюртмалар тайёрлайди ва таъминлайди;

ташқи муҳит объектларидаги инсон соғлиғига таъсир килувчи омиллар бўйича таҳлилдан ўтказади;

бактериологик, вирусологик, паразитологик ва бошқа ўта хавфли касалликларнинг қўзғатувчиларини аниқлаш бўйича таҳлиллар олиб боради.

ж) инсон саломатлигига таъсир этувчи хавфли омиллар бўйича тизимли мониторингларни ташкил қилиши, амалга ошириши, таҳлил қилиши ва тегишили ҳисоботлар юритши соҳасида:

инсон саломатлигига таъсир этувчи хавфли омилларни аниқлайди, тизимли мониторинглар олиб боришни ташкил қиласди ва амалга оширади;

ўтказилган мониторинглар натижаларини таҳлил қиласди ҳамда умумлаштирилган ҳисобот юритади;

з) юқумли ва паразитар касалликларнинг юзага келиши ва тарқалишини олдини олишга қаратилган ўчоқли дезинфекция, дезинсекция, дератизация тадбирлари ўтказилишини ташкил қилиши, амалга ошириши ва мувофиқлаштириши соҳасида:

юқумли ва паразитар касалликларнинг юзага келишини олдини олишга ва камайтиришга, уларнинг юқиш йўллари ва омилларига таъсир кўрсатишга, шунингдек техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар билан боғлиқ бўлган эпидемиологик асоратлар оқибатларини тугатишга қаратилган ўчоқли

дезинфекция, дезинсекция, дератизация тадбирлар ўтказилишини ташкил этади ва ўтказади;

ўчоқли дезинфекция, дезинсекция, дератизация тадбирлар ўтказилиш бўйича воситалар билан таъминлайди;

и) санитария-эпидемиология ва жамоат саломатлигини таъминлаши мақсадида хавф-хатарларни барвақт аниқлашини таъминлаши, баҳолаш ва бартараф этиши учун келиб чиқиши озиқ-овқат билан боғлиқ касалликлар устидан миллий мониторинглар олиб бориши ва мувофиқлаштириши соҳасида:

аҳолининг турли гуруҳлари бўйича овқатланиш меъёр ва кўрсаткичларини баҳолайди, аҳолининг овқатланиш сифати билан боғлиқ бўлган саломатлик ҳолатини ўрганади;

нотўғри овқатланиш билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш тадбирларини ўтказади, аҳолининг соғлом турмуш тарзи бўйича оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда кенг тарғибот ишларини ташкил қиласди ва ўтказади;

тиббиёт муассасалари ва уюшган болалар таълим обьектларида рационал овқатланиш ҳолатларини ўрганади ва мувофиқлаштиради;

маҳаллий ишлаб чиқариладиган ва хориждан келтирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва озиқ-овқат хом ашёсининг санитария-эпидемиологик хавфсизлигини назорат қиласди;

озиқ-овқат маҳсулотлари билан боғлиқ бўлган касалликларни олдини олиш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқиш, сақлаш, ташиш ва савдоси бўйича ўрнатилган тартибда назорат қиласди;

оммавий овқатдан заҳарланиш ва озиқ-овқат маҳсулотлари орқали юзага келадиган юқумли касалликларни рўйхатга олиш бўйича электрон маълумотлар юритади, уларни эрта аниқлаш ва хавфларни бартараф этиш чоралари кўради;

к) ўта хавфли юқумли инфекциялар бўйича эпидемиологик назорат олиб бориши ҳамда профилактик ва эпидемияга қарши комплекс тадбирларини ўтказиши соҳасида:

ўта хавфли юқумли инфекциялар бўйича эпидемиологик суриштирувлар олиб боради ҳамда санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши тадбирлар ўтказади;

аҳолини карантин ва ўта хавфли касалликлар эпидемияларидан муҳофаза қилиш масалалари бўйича белгиланган тартибда назорат олиб боради.

л) турли ижтимоий гуруҳларни қамраб олган ҳолда, соғлом турмуш тарзини шакллантириши учун санитария-гигиеник ўқитишини ташкил этишига қаратилган чора-тадбирларни ўтказиши соҳасида:

фукароларни гигиенага оид ўқитиши ва тарбиялаш борасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланади;

фаолияти озиқ-овқат хом ашёси, озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимлик суви ва кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва сотиш, аҳолига майший ва коммунал хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ходимларни, шунингдек, тиббиёт, таълим ташкилотлари ходимларини ишга

кўйишдан олдин ва иш фаолияти давомида тўлов-контракт асосида санитария-гигиена бўйича таълим берилишини ташкил қиласида амалга оширади;

соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва аҳолининг санитария бўйича саводхонлигини ошириш мақсадида маҳсус материаллар ва дастурлар асосида оммавий ахборот воситаларида чиқишлиар ва бошқа тарғибот ишларини ўтказади.

м) соҳага оид статистик маълумотларни юритиши, тўплаши, таҳлил қилинishiга услубий раҳбарлик қилиши, аҳоли сalomатлигига салбий таъсир қилувчи омилларни аниқлаши мақсадида зарур текширишлар ва сўровлар ўтказиши соҳасида:

бошқарма ва бўлимлар фаолиятга боғлиқ барча статистик маълумотларни тўплайди, умумлаштиради ва таҳлил қиласида ҳамда белгиланган муддатларда санитария-эпидемиология хизматига тақдим этади;

аҳолининг саломатлик ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш мақсадида зарур текширишлар ва сўровлар ўтказади.

н) соҳанинг жорий ва келгусидаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, кадрларни ўқитиши, қайта тайёрлаши ва малакасини оширишини ташкиллаштириши соҳасида:

бошқарма ва бўлимларнинг мутахассисларини ўқитиши, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишини режалаштиради ва ўрнатилган тартибда ташкиллаштиради;

бошқарма ва бўлимларда кадрлар заҳирасини шакллантиради;

санитария-эпидемиология ва жамоат саломатлиги соҳасидаги қонун хужжатларига мувофиқ равишда бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Бошқарманинг хукуклари ва жавобгарлиги

10. Бошқарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун куйидаги хукукларга эгадир:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятида санитария-эпидемиология соҳасидаги қонунчилик^{*} талабларига риоя этилишини ўрганиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига санитария-эпидемиология соҳасида аниқланган хукуқбузарликлар, уларга имкон берувчи омиллар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

санитария-эпидемиология соҳасидаги қонун хужжатларининг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида мансабдор шахсларни ёзма равишда огоҳлантириш;

юридик ва жисмоний шахсларга обьектларда йўл қўйилган хукуқбузарликларни бартараф қилиш учун (олтмиш кундан ортиқ бўлмаган муддат ичida) мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида эпидемияга қарши курашиш

қоидаларини бузишга оид хуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан тегишли асосли равишда карантинда сақлаш ёки даволаниш тарзидаги тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш;

юқумли ва паразитар касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида, хўжалик ва бошқа фаолиятларнинг алоҳида тартибини, аҳоли, транспорт воситалари, юклар ва (ёки) товарлар харакатланишининг чекланишини назарда тутадиган карантин чора-тадбирларини амалга ошириш;

инсон ҳаёти ва саломатлиги учун жиддий хавф туғдирувчи юқумли касалликлар тарқалиши ёхуд техноген ёки табиий хусусиятга эга ҳалокатлар содир бўлишининг реал хавфи вужудга келганда мулкчилик шаклидан қатъий назар объектларда мақсадли текширишлар ўтказиш;

фавқулодда вазиятларда, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиги учун бошқа ҳақиқий хавф юзага келганда, оммавий заҳарланиш ва гурухли касалликлар қайд этилганда (даволаш муассасаси хабари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ва бошқа ҳолларда) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиш;

озик-овқат хом^ашъёси ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва сотиш фаолияти устидан инспекцион назорат ўтказиш;

давлат органлари ва мансабдор шахслардан бошқармага юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва ахборотларни, шу жумладан статистик мълумотларни сўраш ва бепул олиш;

ўрнатилган тартибда тасдиқланган рўйхат ва тарифларга мувофиқ пуллик хизматлар кўrsatiш;

ўз ваколати доирасида конференциялар, семинарлар ўтказиш ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилаётган шундай тадбирларда иштирок этиш;

санитария-эпидемиология масалалари соҳасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

санитария-эпидемиология хизматига тааллуқли масалаларни кўриб чиқиша Ҳайъат йиғилишларида иштирок этиш;

бошқарма ходимларини ижтимоий ҳўмоя қилиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Бошқарма:

санитария-эпидемиология ва жамоат саломатлиги соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилиши;

юклangan вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида ҳамда тўлиқ бажарилиши;

Бошқарма ва тегишли бўлимларнинг Санитария-эпидемиология хизмати фаолияти билан боғлик прогноз кўрсаткичларга эришишни таъминлаш ишларининг ташкил этилиши;

санитария-эпидемиология ва жамоат саломатлиги соҳасини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган дастурлар, иш режалари, тадбирлар,

йўл хариталари ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг амалга оширилиши бўйича жавобгар ҳисобланади.

4-боб. Бошқарма фаолиятини ташкил этиш

1-§. Бошқарманинг фаолиятини ташкил этиш

12. Бошқармага Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи - Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган Бошқарма бошлиғи (бир вактда Бош давлат санитария врачи) раҳбарлик қиласи.

13. Бошқарма бошлиғининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи билан келишилган ҳолда Бошқарма бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

2-§. Бошқарма раҳбарларининг функционал мажбуриятлари

14. Санитария-эпидемиология хизматига юкландиган вазифаларга мувофиқ Бошқарма раҳбарлари қуидаги функционал мажбуриятларни бажаради:

а) бошқарма бошлиғи:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этади;

Бошқарма бошлиғининг ўринбосарлари ва бўлим бошлиқларининг фаолият йўналишлари ва участкаларига раҳбарлик қилиш бўйича ваколатларини ва шахсий жавобгарлиги даражасини белгилайди;

ўз ваколатлари доирасида бошқарма ходимлари ва туман (шаҳар) бўлимлари учун бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

белгилangan тартибда ишга қабул қилиш ва бошқарма ходимлари билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш ишларини амалга оширади, шунингдек, уларнинг самарали меҳнат қилишлари учун зарур шартшароитларни яратади ва кадрлар захирасини шакллантиради;

бошқарма ходимларининг лавозим йўриқномалари ва бўлимларнинг низомини тасдиқлайди;

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ жисмоний ва юридик шахслардан тушган мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлайди;

Бошқарма ўзининг “Махсус жамғарма”сини (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этади ва унинг фаолияти учун жавоб беради;

Бошқарма ва бўлимлар фаолиятини режалаштиради, иш режаларини тасдиқлайди ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлайди;

қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади;

б) Бошқарма бошлиғининг ўринбосарлари:

Бошқармага юкланган вазифаларни бажаришда тегишлилиги бўйича бошқарма ва бўлимлар фаолиятини мувофиқлаштиради ва кўрсатмалар беради;

ўзининг бўйсинувидаги бўлинмалар фаолиятига бевосита раҳбарликни амалга оширади;

Бошқарма бошлиғига мавжуд лавозимларга номзодлар киритади;

ўзининг бўйсинувидаги бўлинмалар мутахассисларини қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, рағбатлантириш ёки интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги таклифларни киритади;

3-§. Бошқарма раҳбарларининг жавобгарлиги

15. Бошқарма бошлиғи:

ушбу низом ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан ўзига юкланган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажарилиши, шунингдек, бошқарма ва бўлимлар ишидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўрилиши;

амалга оширилаётган дастурлар, стратегиялар ва концепциялар бўйича кутилган натижаларга эришилиши;

жамоа томонидан ижро интизомига тўлиқ риоя этилиши учун жавоб беради.

16. Бошқарма бошлиғининг ўринbosарлари:

тегишли йўналишлар бўйича топшириқларни ўз вақтида ва тўлақонли бажарилиши;

раҳбарлиги йўналишлари бўйича юклатилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш учун қўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва натижадорлиги учун жавоб берадилар.

4-§. Бошқарманинг бошқа худудий бошқармалар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги

17. Бошқарма ўзига юкланган вазифа ва функцияларни бевосита худудий Соғлиқни сақлаш бошқармаси ва униинг таркибий бўлинмалари билан ҳамкорликда амалга оширади.

18. Бошқарма маъмурий худудда содир бўладиган турли эпидемик ва техноган ҳолатларда тегишли чора-тадбирларни амалга оширилишида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқармалар, идоралар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қиласди.

5-§. Бошқарманинг Санитария-эпидемиология кенгаши

19. Худудда Санитария-эпидемиология соҳасидаги муаммолар, вазифалар ва олиб борилаётган тадбирларнинг натижалари ва бошқа муҳим масалаларини муҳокама қилиб, тегишли чоралар белгилаб бориш мақсадида

бошқармада бошқарма бошлиғи раҳбарлигида Санитария-эпидемиология кенгаши ташкил этилади.

Санитария-эпидемиология кенгаши низоми, аъзолар сони ва шахсий таркиби бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

5-боб. Бошқарма фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари

20. Бошқарма томонидан худудий бўлимлар фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган фаолият самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторлари асосида мунтазам баҳоланиб борилади.

бўлимларнинг фаолият самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича раҳбар ва ходимларни рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий чоралар қўллаш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоратадбирлари қўрилади.

6-боб. Бошқармани молиялаштириш ва моддий-техника базасини таъминлаш, ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳисоя қилиш

21. Бошқармани молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, шу жумладан ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш Давлат бюджети ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

22. Куйидагилар қўшимча маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгиланади:

фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан;

бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мulkини бошқа ташкилотларга ижарага беришдан;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига ҳомийлик (бегараз) ёрдами берилишидан қўшимча даромадлар;

қонун хужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

23. Қўшимча маблағларидан куйидаги мақсадларда фойдаланилади:

Бошқарма ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминлаш, шу жумладан уй-жойни ижарага олиш билан боғлик харажатларни қоплаш, шунингдек, ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш;

бошқарманинг фармойиш бериш ва бошқариш функцияларини амалга ошириш билан боғлик харажатларини қоплаш;

бошқарманинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

24. Бошқарма ходимларининг иш ҳақи лавозим маошидан, кўп йил хизмат қилганлиги учун устама ҳақлардан, дам олиш ва байрам кунлари учун

тўловлар, бошқа устама, қўшимча ҳақлар ва қонунда назарда тутилган бошқа тўловлардан иборат бўлади.

7-боб. Бошқарманинг ҳисобдорлиги

25. Бошқарма тизимли равишда ўзининг фаолияти бўйича Санитария-эпидемиология хизматига ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботлар беради.

26. Бошқарма бошлиғи бошқарма ходимлари ва бўлим раҳбарларига юкланган вазифаларнинг тўлақонли бажарилиши бўйича уларнинг фаолияти юзасидан мониторинг олиб боради ва холисона баҳо беради.

мониторинг ва баҳолаш якунлари бўйича алоҳида ўрнак кўрсатган раҳбарлар ва ходимлар рағбатлантирилади ёхуд йўл қўйилган камчиликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий чоралар қўллайди.

8-боб. Яқунловчи қоидалар

27. Ушбу низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Санитария-эпидемиологик осойишталик
ва жамоат саломатлиги хизматининг
2020 йил “___” ____ даги ____ -
сонли буйруғига 2-илова

Туман (шахар) санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат
саломатлиги бўлимлари тўғрисида
НАМУНАВИЙ НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом туман (шахар) санитария-эпидемиологик осойишталик
ва жамоат саломатлиги бўлимлари (кейинги ўринларда — бўлим) мақомини,
асосий вазифаларини, функцияларини, хуқуқларини ва мажбуриятларини
белгилайди.

2. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва
қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг
қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари,
қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Махкамасининг қарорлари ва
фармойишларига, Санитария-эпидемиология хизмати ҳамда бошқарма
қарорлари, буйруқ ва кўрсматмаларига шунингдек, ушбу низомга амал
қиласди.

3. Бўлим ўз фаолиятида санитария-эпидемиологик осойишталик ва
жамоат саломатлиги бошқармасига (кейинги ўринларда - бошқарма)
бўйсинади ва хисобот беради.

4. Туман (шахар) санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат
саломатлиги бўлимлари юридик шахс ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси
Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва
бланкаларга, мустақил балансга, Молия вазирлигига шахсий ғазна
хисобваракларига, банк ҳисоб рақамларига эга бўлади.

5. Бўлим ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари
маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, мулкчилик шаклидан қатъий
назар бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шу жумладан
фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

6. Бўлимнинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат
саломатлиги бўлими;

қисқартирилган номи — Санэпидбўлим;

б) рус тилида:

тўлиқ номи — Отдел санитарно-эпидемиологического благополучия и
общественного здоровья;

қисқартирилган номи — Санэпидотдел;

7. Бўлимнинг жойлашган манзили (пошта манзили):
_____, 000000.

2-боб. Бўлимларнинг вазифалари ва функциялари

8. Қўйидагилар бўлимнинг вазифалари ҳисобланади:

аҳолининг санитария-эпидемиология осойишталиги соҳасида худудий давлат бошқаруви органлари, корхона ва ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар билан ҳамкорлик қилишни таъминлаш;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалдаги санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари (СанҚвАН) риоя қилиниши бўйича белгиланган тартибда текширишлар ўтказиш ва санитария-эпидемиология соҳасида конун бузилишлар бўйича белгиланган тартибда маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш;

озик-овқат хом ашъёси ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва сотиш фаолияти билан шуғулланувчи обьектлар фаолиятида асосланган меъёр ва стандартлар талабларига риоя қилиниши устидан тасдиқланган методологиялар асосида назорат олиб бориш;

юқумли, паразитар, шунингдек юқумли бўлмаган касалликларнинг юзага келиши ва тарқалишини олдини олишга қаратилган эпидемияга қарши ва санитария-гигиеник тадбирларни ташкиллаштириш ва амалга ошириш;

санитария-гигиена, бактериология ва паразитология лабораториялари фаолиятини йўлга қўйиш;

инсон саломатлигига таъсир этувчи хавфли омиллар бўйича тизимли мониторингларни ташкил қилиш, амалга ошириш, таҳлил қилиш ва тегишли ҳисботлар юритиш;

юқумли ва паразитар касалликларнинг юзага келиши ва тарқалишини олдини олишга қаратилган ўчоқли дезинфекция, дезинсекция, дератизация тадбирлари ўтказилишини ташкил қилиш ва амалга ошириш;

санитария-эпидемиология ва жамоат саломатлигини таъминлаш мақсадида хавф-хатарларни барвақт аниқлашни таъминлаш, баҳолаш ва бартараф этиш учун келиб чиқиши озик-овқат билан боғлиқ касалликлар устидан миллий мониторинглар олиб бориш;

ўта хавфли юқумли инфекциялар бўйича эпидемиологик назорат олиб бориш ҳамда профилактик ва эпидемияга қарши комплекс тадбирларини ўтказиш;

турли ижтимоий груухларни қамраб олган ҳолда, соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун санитария-гигиеник ўқитишни ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни ўтказиш;

соҳага оид статистик маълумотларни юритиш, тўплаш, таҳлил қилиш, аҳоли саломатлигига салбий таъсир қилувчи омилларни аниқлаш мақсадида зарур текширишлар ва сўровлар ўтказиш

9. Санитария-эпидемиология хизмати ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:

а) аҳолининг санитария-эпидемиология соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини самарали мувофиқлаштириш ва улар билан ҳамкорлик қилишни таъминлаш соҳасида:

ташкilot ва корхоналар билан худудида санитария-эпидемиология осойишталикни таъминлаш, шу жумладан карантин, ўта хавфли ва бошка инфекцияларни, аҳоли учун ўта хавфли бўлган товар ва юклар Ўзбекистон Республикаси чегарасидаги ўтказиш пунктларидан олиб кирилиши, олиб ўтилиши ва тарқатилишининг олдини олиш борасидаги комплекс чоратадбирлар амалга оширилишини ташкил этади;

ветеринария хизмати билан бирга касаллик келтириб чиқарувчи манбаларни йўқ қилишга, антропоноз ва зооантропоноз инфекцияли ва паразитар касалликлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган фаолиятни амалга оширади;

б) юридик ва жисмоний шахслар томонидан санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига (СанҚвАН) риоя қилинishiши бўйича белгиланган тартибда текширишлар ўтказиши ва санитария-эпидемиология соҳасида қонун бузилишлар бўйича маъмурий жавобгарлик чораларини белгиланган тартибда қўллаш соҳасида:

белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан, санитария-эпидемиология соҳасидаги норматив-хукуқий хўжжатлар ижроси устидан белгиланган тартибда давлат санитария-эпидемиология назоратини (кейинги ўринларда — назорат) лаборатория ва инструментал тадқиқот усулларини қўллаган ҳолда амалга оширади;

озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи, шу жумладан умумий овқатланиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларида текширувлар ўтказади;

истеъмолчиларни водопровод суви билан таъминлайдиган, оқова сувларни чиқариб ташлайдиган хўжалик юритувчи субъектларда текширувлар ўтказади;

қонун хужжатларига кўра ходимлари тиббий кўриқдан ўтиши лозим бўлган савдо ва аҳолига хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган, шу жумладан сартарошхона ва косметология хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларида текширувлар ўтказади;

аҳолига диагностика, даволаш-профилактика хизматларни кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларида текширувлар ўтказади;

аҳолига тиббий хизматларни кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларида текширувлар ўтказади;

назоратдаги обьектлар ишчи-ходимларини мажбурий, дастлабки ва даврий тиббий кўрикларни ўтказиш тартиби ва даврийлигини ҳамда тиббий ташкилотлар томонидан тиббий кўриқдан ўтказилишининг тўлиқлигини назорат қиласди;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан умумий овқатланиш обьектларида рационал ва хавфсиз овқатланишини ташкил этилиши устидан санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларнинг бажарилишини назорат қиласди;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан ионлаштиромайдиган нурланиш, шовқин, тебраниш ва инсон саломатлиги ҳамда атроф-мухитга салбий таъсир кўрсатадиган бошқа физик омиллар билан ишлашда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилишини назорат қиласди;

назорат объектларида ўткир ва сурункали касаб касалликларини келиб чиқиши ҳолатлари устидан назорат қиласди;

юқумли ва паразитар касалликлар манбаи бўлган, шунингдек, тиббий кўриклардан ўз вақтида ўтмаган шахсларни вактинча ишдан четлаштириш тўғрисида иш берувчиларга тақдимнома киритади;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан санитария-эпидемиология соҳасидаги қонун хужжатлари талабларига риоя этилиши тўғрисидаги маълумотларни Санитария-эпидемиология хизматининг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида ёритади;

в) озиқ-овқат хом ашъёси ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва сотиш фаолияти билан шугулланувчи объектлар фаолиятида асосланган меъёр ва стандартлар талабларига риоя қилиншиши устидан тасдиқланган методологиялар асосида назорат олиб бориши соҳасида:

озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва сотиш жараёнларидаги санитария-эпидемиологик ҳолатларни назорат қиласди ва маҳсулотларнинг хавфлилик даражаларини мезонлари бўйича таснифлайди;

озиқ-овқат маҳсулотларидан заҳарланиш ҳолатлари бўйича эпидемиологик суриштирувлар ўтказади ва бу ҳақда белгиланган тартиб бўйича хабар беради ва тарқалиб кетишини олдини олишга қаратилган эпидемияга қарши ва санитария-гигиеник тадбирларни ўтказади;

г) юқумли, паразитар, шунингдек юқумли бўлмаган касалликларнинг юзага келиши ва тарқалишини олдини олишга қаратилган эпидемияга қарши ва санитария-гигиеник тадбирларни ташкиллаштириши ва амалга ошириши соҳасида:

худудларга карантин ва ўта хавфли, юқумли ва паразитар касалликларнинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни ўтказади;

юқумли касалликларнинг иммуно-профилактикаси соҳасида аҳоли орасида ўтказиладиган профилактик эмлашларнинг муддатлари, сифати ва самарадорлигини назорат ва таҳлил қиласди;

юқумли ва паразитар касалликлар ўчокларида суриштирув ишларини ўтказади, санитария-гигиенага оид ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни амалга оширилиши устидан назорат қиласди;

аҳоли яшаш пунктларини ривожлантириш ва ер участкалари ажратиш бўйича лойиха материалларини, хўжалик ва саноат объектларини куриш ва реконструкция қилиш лойихаларини кўриб чиқишида ва хулоса беришда иштироқ этади;

объектларни лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилишда, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда тегишли гигиеник хулосалар беради;

инсон саломатлиги ва атмосфера ҳавоси учун заарли физик омиллар орқали таъсир кўрсатувчи объектларнинг рўйхатини ва ҳисобини олиб боради ҳамда назорат олиб боради.

е) лабораториялар фаолиятини йўлга қўйши соҳасида:

юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалдаги СанҚваНга риоя қилиниши бўйича олинган (келтирилган) намуналарда санитария-гигиена, бактериология ва паразитология лаборатория таҳлилларини ўтказади;

ташқи муҳит объектларида инсон соғлиғига таъсир қилувчи омиллар бўйича таҳлилдан ўтказади;

бактериологик ва паразитологик касалликларнинг қўзғатувчиларини аниқлаш бўйича таҳлиллар олиб боради.

ж) инсон саломатлигига таъсир этувчи ҳавфли омилларни бошқариши, тизимли мониторингини олиб бориши ва таҳлил қилишининг янги шакл ва усулларини амалиётга жорий этиши соҳасида:

инсон саломатлигига таъсир этувчи ҳавфли омилларни аниқлайди, тизимли мониторингини олиб боришни ташкил қиласди ва олиб боради;

ўтказилган мониторинг натижалари таҳлил қиласди ҳамда мониторинг шакл ва усулларни амалиётга жорий этади;

з) юқумли ва паразитар касалликлар юзага келиши ва тарқалишининг олдини олишига қаратилган профилактик дезинфекция, дезинсекция, дератизация тадбирлари ўтказилишини ташкил қилиш, мувофиқлаштириши ва назорат қилиши соҳасида:

юқумли ва паразитар касалликлар юзага келишининг олдини олишга ва уларни камайтиришга, улар юқиш йўллари ва омилларига таъсир кўрсатишга ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар билан боғлиқ бўлган эпидемиологик асоратлар оқибатларини тугатишга қаратилган профилактик ва ўчоқли дезинфекция, дезинсекция, дератизация, эпидемияга қарши тадбирлар ўтказилади.

и) санитария-эпидемиология ва жамоат саломатлигини таъминлаш мақсадида ҳавф-хатарларни барвақт аниқлашини таъминлаш, баҳолаш ва бартараф этиши учун келиб чиқиши озиқ-овқат билан боғлиқ касалликлар устидан миллий мониторинглар олиб бориши ва мувофиқлаштириши соҳасида:

ахолининг турли гурухлари бўйича овқатланиш меъёр ва кўрсаткичларини баҳолайди, ахолининг овқатланиш сифати билан боғлиқ бўлган саломатлик ҳолатини ўрганади;

нотўғри овқатланиш билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш тадбирларини ўтказади, ахолининг соғлом турмуш тарзи бўйича оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда кенг тарғибот ишларини ўтказади;

тиббиёт муассасалари ва уюшган болалар таълим объектларида рационал овқатланиш ҳолатларини ўрганади;

маҳаллий ишлаб чиқариладиган ва хориждан келтирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва озиқ-овқат хом ашёсининг санитария-эпидемиологик хавфсизлигини назорат қиласди;

озиқ-овқат маҳсулотлари билан боғлиқ бўлган касалликларни олдини олиш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқиш, саклаш, ташиш ва савдоси бўйича ўрнатилган тартибда назорат қиласди;

оммавий овқатдан заҳарланиш ва озиқ-овқат маҳсулотлари орқали юзага келадиган юқумли касалликларни рўйхатга олиш бўйича электрон маълумотлар юритади, уларни эрта аниқлаш ва хавфларни бартараф этиш чоралари кўради;

тадбиркорлик субъектларига ўрнатилган тартибда “Санитария-эпидемиология осойишталик белгиси”ни беради;

к) ўта хавфли юқумли инфекциялар бўйича эпидемиологик назорат олиб бориши ҳамда профилактик ва эпидемияга қарши комплекс тадбирларини ўtkазиши соҳасида:

ўта хавфли юқумли инфекциялар бўйича эпидемиологик назоратини олиб боради;

ахолини карантин ва ўта хавфли касалликлар эпидемияларидан муҳофаза қилиш масалалари бўйича белгиланган шакллар ва тартиб асосида назорат олиб боради.

л) турли ижтимоий гуруҳларни қамраб олган ҳолда, соғлом турмуш тарзини шакллантириши учун санитария-гигиеник ўқитишини ташкил этишига қаратилган чора-тадбирларни ўtkазиши соҳасида:

фуқароларни гигиенага оид ўқитишиш ва тарбиялаш борасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишини таъминлайди;

фаолияти озиқ-овқат хом ашёси, озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимлик суви ва кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш, саклаш, ташиш ва сотиш, аҳолига майший ва коммунал хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ходимларни, шунингдек, тиббиёт, таълим ташкилотлари ходимларини ишга кўйишидан олдин ва иш фаолияти давомида тўлов-контракт асосида санитария-гигиена бўйича таълим берилишини амалга оширади;

соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва ахолининг санитария бўйича саводхонлигини ошириш мақсадида маҳсус материаллар ва дастурлар асосида оммавий ахборот воситаларида чиқишлиар ва бошқа тарғибот ишларини ўтказади.

м) соҳага оид статистик маълумотларни юритиши, тўплаш, таҳлил қилиншишига услубий раҳбарлик қилиши, аҳоли саломатлигига салбий таъсир қилувчи омилларни аниқлаш мақсадида зарур текширишлар ва сўровлар ўtkазиши соҳасида:

бўлимлар фаолиятга боғлиқ барча статистик маълумотларни тўплайди, умумлаштиради ва таҳлил қиласди ҳамда белгиланган муддатларда Бошқармага тақдим этади;

аҳолининг саломатлик ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш мақсадида зарур текширишлар ва сўровлар ўтказади.

н) соҳанинг жорий ва келгусидаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, кадрларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишини ташкиллаштириши соҳасида:

бўлимларнинг мутахассисларини ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишини режалаштиради ва ўрнатилган тартибда ташкиллаштиради;

бўлимларда кадрлар заҳирасини шакллантиради;

санитария-эпидемиология ва жамоат саломатлиги соҳасида қонун хужжатларига мувофиқ равишда бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Бўлимнинг ҳукуқлари ва жавобгарлиги

10. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун куйидаги ҳукуқларга эгадир:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятида санитария-эпидемиология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилишини ўрганиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига санитария-эпидемиология соҳасида аниқланган ҳукуқбузарликлар, уларга имкон берувчи омиллар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

санитария-эпидемиология соҳасидаги қонун хужжатларининг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида мансабдор шахсларни ёзма равишда огоҳлантириш;

юридик ва жисмоний шахсларга объектларда йўл қўйилган ҳукуқбузарликларни бартараф қилиш учун (олтмиш кундан ортиқ бўлмаган муддат ичida) мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида эпидемияга қарши курашиш қоидаларини бузишга оид ҳукуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан тегишли асосли равишда карантинда сақлаш ёки даволаниш тарзидаги тиббий йўсиндаги мажбуровлор чорасини қўллаш;

юқумли ва паразитар касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида, хўжалик ва бошқа фаолиятларнинг алоҳида тартибини, аҳоли, транспорт воситалари, юклар ва (ёки) товарлар ҳаракатланишининг чекланишини назарда тутадиган карантин чора-тадбирларини амалга ошириш;

инсон ҳаёти ва саломатлиги учун жиддий хавф туғдирувчи юқумли касалликлар тарқалиши ёхуд техноген ёки табиий хусусиятга эга ҳалокатлар содир бўлишининг реал хавфи вужудга келганда мулкчилик шаклидан қатъий назар объектларда мақсадли текширишлар ўтказиш;

фавқулодда вазиятларда, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун бошқа ҳақиқий хавф юзага келганда, оммавий заҳарланиш ва гурухли касалликлар қайд этилганда (даволаш муассасаси хабари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ва бошқа ҳолларда) қонун

хужжатларида белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиш;

озиқ-овқат хом ашъёси ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиб, сақлаш ва сотиш фаолияти устидан инспекцион назорат ўтказиш;

давлат органлари ва мансабдор шахслардан бошқармага юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган хужжатлар ва ахборотларни, шу жумладан статистик маълумотларни сўраш ва бепул олиш;

ўрнатилган тартибда тасдиқланган рўйхат ва тарифларга мувофиқ пуллик хизматлар кўрсатиш;

ўз ваколати доирасида конференциялар, семинарлар ўтказиш ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилаётган шундай тадбирларда иштирок этиш;

санитария-эпидемиология масалалари соҳасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

санитария-эпидемиология хизматига тааллуқли масалаларни кўриб чиқишида Ҳайъат йигилишларида иштирок этиш;

бошқарма ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Бўлим:

санитария-эпидемиология ва жамоат саломатлиги соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилиши;

юкланган вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида ҳамда тўлик бажарилиши;

Санитария-эпидемиология хизмати фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни таъминлаш ишларининг ташкил этилиши;

санитария-эпидемиология ва жамоат саломатлиги соҳасини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган дастурлар, иш режалари, тадбирлар, йўл хариталари ва бошқа дастурий хужжатларнинг амалга оширилиши бўйича жавобгар хисобланади.

4-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

1-§. Бўлимнинг фаолиятини ташкил этиш

12. Бўлимга Бошқарма бошлиғи - Бош давлат санитария врачи томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган Бўлим бошлиғи (бир вақтда Бош давлат санитария врачи) раҳбарлик қиласи.

13. Эпидемиология ва иммунопрофилактика ҳамда санитария-гиgiene бўлим мудирлари Бошқарма бошлиғи билан келишилган ҳолда Бўлим бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

2-§. Бўлим раҳбарнинг функционал мажбуриятлари

14. Санитария-эпидемиология хизматига юкланган вазифаларга мувофиқ Бўлим раҳбарлари қўйидаги функционал мажбуриятларни бажаради:

а) Бўлим раҳбари:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этади;

Бўлим мудирларининг фаолият йўналишлари ва участкаларига раҳбарлик қилиш бўйича ваколатларини ва шахсий жавобгарлиги даражасини белгилайди;

ўз ваколатлари доирасида Бўлим учун бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

белгиланган тартибда ишга қабул қилиш ва бўлим ходимлари билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш ишларини амалга оширади, шунингдек, уларнинг самарали меҳнат қилишлари учун зарур шартшароитларни яратади ва кадрлар захирасини шакллантиради;

бошқарма ходимларининг лавозим йўриқномалари тасдиқлайди;

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ жисмоний ва юридик шахслардан тушган мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлайди;

Бўлим ўзининг “Махсус жамғарма”сини (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этади ва унинг фаолияти учун жавоб беради;

Бўлинмалар фаолиятини режалаштиради, иш режаларини тасдиқлайди ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлайди;

қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади;

б) Эпидемиология ва иммунопрофилактика ҳамда санитария-гигиена бўлим мудирлари:

юкланган вазифаларни бажаришда тегишлилиги бўйича бўлимлар фаолиятини мувофиқлаштиради ва кўрсатмалар беради;

ўзининг бўйсинувидаги бўлинмалар фаолиятига бевосита раҳбарликни амалга оширади;

Бошқарма бошлиғига мавжуд лавозимларга номзодлар киритади;

ўзининг бўйсинувидаги бўлинмалар мутахассисларини рағбатлантириш ёки интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги таклифларни киритади;

3-§. Бўлим раҳбарининг жавобгарлиги

15. Бўлим раҳбари:

ушбу низом ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан ўзига юкланган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажарилиши, шунингдек, бошқарма ва бўлимлар ишидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўрилиши;

амалга оширилаётган дастурлар, стратегиялар ва концепциялар бўйича кутилган натижаларга эришилиши;

жамоа томонидан ижро интизомига тўлиқ риоя этилиши;

тегишли йўналишлар бўйича топшириқларни ўз вақтида ва тўлақонли бажарилиши;

фаолият йўналишлари бўйича юклатилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш учун кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва натижадорлиги учун жавоб берадилар.

4-ғ. Бўлимнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа худудий идоралар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги

16. Бўлим ўзига юклangan вазифа ва функцияларни бевосита худудий Соғлиқни сақлаш бўлими ва униинг таркибий бўлинмалари билан ҳамкорликда амалга оширади.

17. Бўлим маъмурий худудда содир бўладиган турли эпидемик ва техноган ҳолатларда тегишли чора-тадбирларни амалга оширилишида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқармалар, идоралар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қиласди.

5-боб. Бўлим фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари

18. Бўлимларнинг фаолият самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича раҳбар ва ходимларни рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий чоралар қўллаш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари кўради.

6-боб. Бўлимни молиялаштириш ва моддий-техника базасини таъминлаш, ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш

19. Бўлимни молиялаштириш ва моддий-техник ҳиҳатдан таъминлаш, шу жумладан ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш Давлат бюджети ва қонун хужжатларида таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

20. Куйидагилар қўшимча маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгиланади:

фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан;

бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкини бошқа ташкилотларга ижарага беришдан;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига ҳомийлик (бегараз) ёрдами берилишидан қўшимча даромадлар;

қонун хужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

21. Жамғарма маблағларидан қуйидаги максадларда фойдаланилади:

Бўлим ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминлаш, шу жумладан уй-жойни ижарага олиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш,

шунингдек, ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этишга;

Бўлимнинг фармойиш бериш ва бошқариш функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларини қоплашга;

бўлимнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга.

22. Бўлим ходимларининг иш ҳақи лавозим маошидан, кўп йил хизмат қилганлиги учун устама ҳақлардан, дам олиш ва байрам кунлари учун тўловлар, бошқа устама, қўшимча ҳақлар ва қонунда назарда тутилган бошқа тўловлардан иборат бўлади.

7-боб. Бўлимнинг ҳисобдорлиги

23. Бўлим тизимли равишда ўзининг фаолияти бўйича Бошқармага ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботлар беради.

24. Бўлим раҳбари ходимларига юклangan вазифаларнинг тўлақонли бажарилиши бўйича уларнинг фаолияти юзасидан мунтазам мониторинг олиб боради ва холисона баҳо беради.

мониторинг ва баҳолаш якунлари бўйича алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларни рағбатлантиради ёки йўл қўйилган камчиликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий чоралар қўллайди.

8-боб. Якунловчи қоидалар

25. Ушбу низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.